

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ташаббускор

(имзо): _____

«__» _____ 2021 й.

БИЗНЕС РЕЖА

СУНЪИЙ СТАДИОН ҚУРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИХАСИ



САМАРКАНД – 2021 Й.

ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

<i>Лойиханинг кискача мазмуни:</i>	
Лойиха ташаббускори:	
Корхона раҳбари: (Паспорт маълумотлари):	
Ташаббускор манзили:	
Корхона реквизитлари	
Лойиха суммаси	<i>170 000 000 сўм</i>
Шахсий маблағ иштироки 41 %	<i>70 000 000 сўм</i>
Кредит суммаси 59 %	<i>100 000 000 сўм</i>
Кредит шартлари:	
Кредит муддати	<i>36 ой</i>
Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси	<i>7%</i>
Кредитнинг имтиёзли муддати	<i>6 ой</i>
Лойиханинг самарадорлик курсаткичлари	
Соф фойда	<i>1 йилда – 25 410 735 сум</i>
	<i>2 йилда – 15 191 810 сум</i>
	<i>3 йилда – 20 495 671 сум</i>
	<i>Жами: 61 098 216 сум</i>
Лойиханинг биринчи йилида соф рентабеллиги ялпи фойда ҳисобидан	<i>19,4%</i>
Лойиханинг тула узини оклаш муддати	<i>36 ой</i>
Яратиладиган янги иш уринлари сони	<i>3 та</i>

КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига **“бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга булган кучли ҳуқуқий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиши”**дек олий мақсадни кўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар каторига кўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентимиз томонидан 2017 йил 30 июнь **“YOSHLAR ITTIFOQI”** ташкил қилиниши, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Кўзланган мақсадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган **“Ўзбек модели”** асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **“Ҳаракатлар стратегияси”** (Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)ни барча мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинниши, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий ҳаражатлари мустақилликка эришгандан буён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Ҳаттоки, Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан давлатимизда ижтимоий сиёсатни кузлаб, йилларнинг алоҳида номланиши, **“Инсон манфаатлари йили”** (1997 йил), **“Оила йили”** (1998 йил), **“Соғлом авлод йили”** (1999 йил), **“Аёллар йили”** (2000 йил), **“Она ва бола йили”** (2001 йил), **“Карияларни кадрлаш йили”** (2002 йил), **“Обод маҳалла йили”** (2003 йил), **“Меҳр ва мурувват йили”** (2004 йил), **“Сихат саломатлик йили”** (2005 йил), **“Ҳомийлар ва шифокорлар йили”** (2006 йил), **“Ижтимоий химоя йили”** (2007 йил), **“Ёшлар йили”** (2008), **“Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”** (2009), **“Баркамол авлод йили”** (2010 йил), **“Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес йили”**(2011 йил), 2017 йил **«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»** ва 2018 йилни **“фаол**

тадбиркорлик, инновацион технологияларни қўллаб қувватлаш” деб номланиши, йилларнинг алоҳида номланиши орқали махсус давлат дастурларини қабул қилиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан кишлоқ жойларда намунали уй-жойлар, йулар, кўприklar, камолот уйлари, шаҳарларда шаҳар аҳолиси учун арзон кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши, аҳолини ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг нақадар тўғри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Козогистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан кўриб ўз мамлакатларида қўллаётганлиги, бунинг яққол далилидир.

Дунёнинг кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало, ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада кўпайтириш, асраб-авайлаш, ўзини ва оиласини боқиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Энг мухими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда ҳимоялаш учун астойдил жон қуйдиради. Ишлаб чиқариш соҳаси ҳам бошқа барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилармон инсонларга суянгандагина тараққий этади.

Энг мухими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тўлдириб, Ўзбекистон давлати мустақилликка эришгач ўз олдига қўйган олий мақсад яъни **“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга булган кучли ҳукукий –демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш”** борасида узоқни кўзлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, барқарорлигини ва тараққиётини таъминламоқда.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ

Ушбу бўлимда лойиҳа ҳақида батафсил тўхталиб ўтилади. Жумладан, лойиҳанинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари, қўзланган мақсадларга асосланиб ташкилотчилар ва лойиҳанинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берилади.

Ўзбекистон Республикасининг, хусусан Самарканд вилоятида хизмат кўрсатиш корхоналари кенг тус олиб, ривожланиб келаётган тармоқлардан биридир. Тадбиркор томонидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган хизмат кўрсатиш объекти яни Сунъий стадион қуриш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилган, бу билан уюлмаган ёшларни бекор вақтларидан самарали фойдаланиш ва спорт билан шуғулланиш, аҳоли талабини ўрганиб чиқиб ушбу хизмат турларига бўлган талабни имкон қадар қондириш учун хизмат сифатини ошириш, замонавий талабларига жавоб берадиган қулай ва шинам

сунъий стадион хизмати фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун ушбу лойиха ишлаб чикилди.

Тадбиркор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида халкимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида аҳолининг ушбу хизмат турига бўлган эҳтиёжининг кучайиб бораётганлиги аниқланган. Мавжуд талабдан келиб чиққан холда аҳолини талаби даражасидаги қулай, озода ва сифатли хизматни таклиф қилмоқда.

Тажиба шуни курсатмоқдаки, бугунги кунда ушбу хизмат турига бўлган эҳтиёж кундан-кун ортиб бормоқда. Худуддаги ушбу талабни қондириш ва фаолиятини кенгайтириш мақсадида тадбиркор асосий эътиборни юқори сифатли хизматга ва уз хизматларини бошқа рақобатчиларга нисбатан пастроқ устама баҳоларни қўллаш эвазига ва бошқа шу каби омилларни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Лойиха жами киймати **170 000 000** сўмга тенг миқдордаги ускуналар ва ҳом ашёни харид қилишни кузда тутуди.

Лойиха уч боскичда амалга оширилиши кузда тутилган:

1 БОСКИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши

Вакт оралиги: 1 ой.

Қилинадиган ишлар: Кредит ҳужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий асоси ҳисобланган бизнес – режани ишлаб чиқиш ва банк кредитини ўзлаштириш учун зарурий бўлган бошқа тайёргарлик ишларини амалга ошириш.

2 БОСКИЧ: Кредитни ўзлаштириш.

Вакт оралиги: 1-2 ой

Қилинадиган ишлар: Банк томонида ажратилган кредит маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу маблағ ҳисобидан амалга оширилиши кузда тутилган ишларни тўлиқ амалга ошириш. Маҳсулот етказиб берувчиларни аниқлаш ва жихозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тўлиқ ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши.

Қилинадиган ишлар: Тўлиқ тижорат фаолиятини йўлга қўйилиши ва кредит маблағларини қайтариш учун узлуксиз иш фаолияти билан шуғулланиб, ўттиз олти ой давомида кредит маблағларидан тўлиқ қутилиш.

ЛОЙИХАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ

Маълумки хизмат кўрсатиш фаолиятининг, хусусан спортнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жихатдан аҳолининг ижтимоий-иктисодий аҳолининг яхшилиги ва турмуш фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аҳоли турмуш фаровонлиги эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иктисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги тармоғида аҳолига ва ташкилотларига хизматларини кўрсатиш, аҳолига олий тоифали хизмат турини етказиб бериш етакчи ўринларни эгаллайди. Республикамининг иктисодиётида Самарқанд вилоятининг жумладан Самарқанд туманининг ҳам улуши салмоқлидир.

Тадбиркор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида халқимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасига булган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда мазкур хизмат турига бўлган талаб юқорилиги аниқланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиккан холда аҳолини талаби даражасидаги сифатли, тоза-озода, қулай, арзон ва шинам стадион ташкил этишни ўз олдига мақсад килиб кўйди.

БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг футболга қизиқиши бўлган миқдорларнинг талабига айтилади. Ушбу хизматга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлиши ҳудуддаги ижтимоий аҳолининг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда арзон нархли ва сифатли хизматларга аҳолида талаб катта.

Потенциал талабга куйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (маҳсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган маҳсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

2) Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий аҳолининг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий муҳитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

5) Юкоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иктисодий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар ҳам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

SWOT ТАХЛИЛИ

Жадвал № 1. Ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги. ✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик ✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ✓ Ракобатбардошлилик ✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ташки омилларга таъсирчанлик ✓ Мижозларнинг ишончини ва хизмат кўрсатиш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган кийинчиликлар ✓ Дастлабки босқичда каттик ракобатга таъсирчанлик
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Четдан қушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги ✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва қупайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Юзага келиши мумкин булган гирром ракобат ✓ Дастлабки вақтда хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган кийинчиликлар. ✓ Ва. х. к..

ИШЧИ РЕСУРСЛАРИГА ЭХТИЁЖ

ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭХТИЁЖИ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 3 тани ташкил килади. Ишчиларининг иш вақти 6 соатлик ҳафтасига 7 иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 16:00 дан кеч соат 23:00 гача иш вақти ҳисобида булади.

Ишчи кучи учун тўланадиган иш ҳақи бир ойда 3 кишига 2 000 000 сумни ташкил килади. *(Қаранг: Жадвал №7)*

ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГО РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Тайлоқ тумани Навзандак маҳалласида лойиҳа биноси барча коммунал тармоқларга уланган бўлиб, барча шароитлар мавжуд. Бундан ташқари ушбу марказ шаҳар инфратузилмасига яқин жойлашган ва барча турдаги транспортлар ва болалар катнови йўлга қўйилган. Бунда электр энергияси харажатлари ўртача ойлик 368 125 сум ташкил килади.

(Қаранг: Жадвал № 4)

СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИҒИМЛАР

Лойиҳага асосан солиқ тўловлари асосан икки турда булиб, бири ишчилар иш ҳақидан солиқ тўловлари ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлик учун ягона солиқ тўловидан иборат. Барча солиқ тўловларининг ҳисоби молиявий бўлимда келтирилган.



ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИНВЕСТЦИОН ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 2. Умуминвестицион харажатлар (лойиха сметаси)

№	Номланиши	Ул.бир.	Сони	Нархи	Жами киймати
1	Курилиши харажатлари (килинган)		1	70 000 000	70 000 000
2	Сунъий қоплама	Кв	100	70 000	70 000 000
3	Бошқа қўшимча харажатлар		1	30 000 000	30 000 000
Жами инвестицион харажат					170 000 000



МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

Жадвал № 3. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари

№	Номланиши	Жами харажат	Кредит хисобидан		Шахсий маблаг хисобидан	
			%	сум	%	сум
1	Курилиш ишлари	70 000 000	0%	0	100%	70 000 000
2	Сунъий қоплама	70 000 000	100%	70 000 000	0	0
3	Бошқа қўшимча харажатлар	30 000 000	100%	30 000 000	0%	0
Жами			59%	100 000 000	41%	70 000 000
<i>Яли инвестицион харажат</i>						170 000 000
<i>Харажатларни молиявий манбаалари</i>						
<i>Кредит маблағлари хисобидан хариди режалаштирилган мулк</i>				59%	100 000 000	
<i>Шахсий маблаг хисобидан хариди режалаштирилган мулк</i>				41%	70 000 000	

Жадвал № 4. Лойиха олди молиявий харажатлари

№	Номланиши	Хисоб базаси (сум)	Хисоб нормаси (% хисобида)	Харажат суммаси (сум)
1	Гаров таъминоти сугуртаси	100 000 000	0,5%	500 000
2	Хужжатларни расмийлаштириш учун нотариус туловлари	100 000 000	1%	1 000 000
3	Бизнес режани тайёрлаш харажатлари	170 000 000	0,2%	340 000
Жами лойиха олди молиявий харажатлари				1 840 000

КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 5. Штат жадвали

№	Лавозими	Сони	Урта ҳисобда ойлик маош	Жами бир ойлик харажат	Жами биринчи йиллик
1	Директор	1	800 000	800 000	9 600 000
2	Бухгалтер	1	700 000	700 000	8 400 000
3	Ишчи ходим	1	500 000	500 000	6 000 000
Жами		1		2 000 000	24 000 000

Жадвал № 6. Умумий иш ҳақи харажатлари

№	Номланиши	1 ой	1 йил
1.	Иш ҳақи	2 000 000	24 000 000
2.	Иш ҳақидан 12 % ажратма	240 000	2 880 000
ЖАМИ:		2 240 000	26 880 000

Жадвал № 7. Коммунал Харажатлар

№	Номланиши	Сони	Сумма	1 ой	1-йил
1	Эл.энергия	240 кВтт	1000	240 000	2 880 000
2	Сув	625 м ³	205	128 125	1 537 500
Жами				368 125	4 417 500

КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ


Жадвал № 8

№	Номланиши	1 ой	1-йил
2	Футбол майдончасини ижара бериш	8 000 000	96 000 000
Жами:		8 000 000	96 000 000

Стадиони ижарага бериш хизматидан кунига ўртача 320 000 сўм, 1 ойда эса 8 000 000 сўм маблағ тушиши режалаштирилмоқда.

Жадвал № 9. Соф тушум ва соф фойда

№	Харажатлар номи	1-йилда	2- йилда (10% ўсиш)	3- йилда (15% ўсиш)
1.	Умумий тушум	96 000 000	105 600 000	110 400 000
2.	Коммунал хизматлар	4 417 500	4 859 250	5 080 125
3.	Бошқа харажатлар	2 400 000	2 640 000	2 760 000
4.	Иш ҳақи	24 000 000	26 400 000	27 600 000
5.	Иш ҳақидан ажратма 12%	2 880 000	3 168 000	3 312 000
6.	Кўзда тутилмаган харажатлар 2%	1 920 000	2 112 000	2 208 000
7.	Солиқ тулови 4%	3 840 000	4 224 000	4 416 000
8.	Жами:	56 542 500	62 196 750	65 023 875
9.	Кредит туловларини кайтариш	27 666 665	44 933 330	41 733 340
10.	<i>Асосий қисмидан</i>	19 999 998	39 999 996	40 000 006
11.	<i>Фоиздан</i>	7 666 667	4 933 334	1 733 334
12.	Умумий кўрилган даромад	28 875 835	17 263 420	23 290 535
13.	Даромад солиғи 12%	3 465 100	2 071 610	2 794 864
Соф фойда		25 410 735	15 191 810	20 495 671
Соф рентабеллик		26,5%	14,4%	18,6%



ХУЛОСА

Даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни курсатмокдаги лойиханинг соф рентабеллик даражаси ялпи хисобда уртача 19,6%ни ташкил килмокда.

Хулоса килиб айтганда, юкоридаги маълумотларни хисобга олиб лойиха тижорий самарадор ва барқарор деб бахоланади ва кредит маблағларини уз вақтида кайтарилиши ва мулжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга кодирлиги билан бу сохага инвестиция киритиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, худуднинг иктисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини кўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва хисоб – китобларни ўрганиб чикиб ташаббускорнинг мини футбол майдончаси хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш мақсадида айланма маблағларни шакллантириш учун 100 000 000 (бир миллион) сўм микдоридаги кредитни ўзлаштиришга қарор килади ва бу кредитни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

_____ .___. _____
(имзо)

сана « ____ » _____ 2021 й.